



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 13 август, № 155 (6085)

Чоршанба

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!



Юртимизнинг ҳар бир гўшасини байрам нашидаси чулғаб олган айти шу кунларда истиқлол йилларида эришган улкан ютуқ ва натижалари- мизнинг туб омил ҳамда мезонлари ҳақида фикр юритар эканмиз, аввал, Президентимиз Исроҳ Каримов томонидан ишлаб чиқилиб, изчиллик ва қатъий билан ҳаётга жорий этилган, дунё миқёсида тараққиётнинг “Ўзбек модели” дея тан олинган мустақил ривожланиш йўлимиз ҳақида тўхталишимиз табиийдир.

Бу йўлнинг асосий тамойиллари қандай мураккаб синов ва машаққатлар, қизгин тортишувлар, кўп йиллик ҳаётий тажриба маҳсули сифатида вужудга келганини, ана шу қойда ҳамда тамойилларнинг ҳар томонлама тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Бундай пайтда ўзимиз танлаган тараққиёт йўлидан қатъий ишонч билан бораётганимиз, бугун тарихга айланган улғувор ишларимиз кўз олдимизда қайта-қайта намоён бўлади.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Бугун маҳалланинг ёшларни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, оила институтини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятда аҳиллик ҳамда тотув-ликни таъминлаш борасидаги ўрни ва аҳамияти ҳар қачонгидан ошмоқда. Айниқса, аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни кенг ривожлантириш, “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилининг ҳаётдаги амалий ифодасини қарор топтириш борасидаги аҳамиятини ҳеч нарса билан қийслаб бўлмайди.

Энг намунали маҳаллалар аниқланмоқда

Дарҳақиқат, маҳалла нуфузини кўтариш йўналишида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар натижасида бугун нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам ушбу ноёб босқарув институтининг фаолияти катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Бундан ташқари ҳамда Жанубий Корея, АҚШ ва Хитой давлатларида маҳалла институти фаолияти ўрганишга бағишлаб ўтказилган халқаро давра суҳбатларидаги эътирофлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Маҳалланинг ислохотлари жараёнидаги фаоллигини оширишда ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари” кўрик-танловининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Зеро, мазкур кўрик фуқаролар йиғинларининг илғор иш тажрибаларини кенг оммалаштиришда айти мударо бўлмоқда. Шу кунларда танловнинг ҳудудий босқичлари “Ягонасан, муқаддас Ватаним, севи ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!” шиори остида ўтказилмоқда.

Кўрик-танловнинг Нукус шаҳрида бўлиб ўтган Қорақалпоғистон Республикаси босқичида қўйи босқичларда ғолиб чиққан 16 та фуқаролар йиғини 3 та шарт асосида Ўзро бахсларга киришди. Аввало, фуқаролар йиғинлари томонидан амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ҳақида бу борада эришил-

(Давоми 2-бетда).

Тараққиётнинг улғувор йўли

Тарихимизда янги даврнинг бошланиши

Ўзбекистонда 80-йиллар охирида собиқ шўролар тизими томонидан юритилган мустақил сиёсат оқибатида тўпланиб қолган ижтимоий-иқтисодий муаммолар, халқимизга, унинг қадриятларига нисбатан

адолатсиз ва беписанд муносабатда бўлиш оқибатида оғир ҳамда ўта таҳликали вазият вужудга келган эди. Озгина учун чиқса, бутун юртимиз, минтақамиз тўхатиб бўлмайди-ган ўт-аланга ичида қолиб кетиши мумкин эди.

Шундай оғир вазиятда Исроҳ Каримов Ўзбекистон раҳбари этиб сайланди. Юртбошимиз эртаси кунлик ҳукумат мажли-

сида нутқ сўзлаб: “Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди”, деганди. Бамисоли тиниқ осмонда чақмоқдек чакнаган ушбу давлаткор хулоса республикамиз раҳбарининг мавжуд вазиятнинг келиб чиқиш сабабларини, уни бартараф этиш йўллари яхши билишини, айти пайтда Ўзбекистоннинг ёруғ истиқболи учун

ҳар қандай синов ва машаққатларни енгиб ўтишга, бу борада бутун масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёр эканлигини яққол намоён этди.

Миллат тақдири ҳал бўлаётган ўша дамларда Юртбошимизнинг мустақилликка эришишдек олий мақсад йўлида халқимиз манфаатларидан келиб чиқиб, узокни кўзлаб, қатъий билан қарорлар қабул қилганлиги мил-

лий давлатчилик тарихимизда янги даврни бошлаб берди.

Буларнинг барчаси юртимизда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар стратегиясининг пойдевори, концептуал негизи ва устувор йўналишлариға ўша синовли йилларда асос солинганини кўрсатади.

(Давоми 2-3-бетларда).



ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

Ўзбекистон — ёшлар мамлақати. Юртимиз аҳолисининг 60 фоиздан зиёдини ёшлар ташкил этиши бунинг тасдиғидир. Шу боис мамлакатимизда истиқлолнинг илк йилларидан Президентимиз раҳнамолигида замонавий билимларни пухта эгаллаган, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук ёш авлоднинг камолга етказиш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланган.

Истиқлол фарзандлари

Республикамизда ёшларнинг нафақат мукамал билим эгаллаши, айти вақтда муайян мутахассисликка эга бўлиб, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топиши учун кўплаб эзгу ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада мақсадли давлат дастурлари рўйбга чиқарилаётир. Пировардида кейинги йилларда янгича дунёқарашга, қатъий ишонч ва эътиқодга эга, мустақил фикрлайдиган, мамлакатда ҳамда халқига содиқ, Ватанимизнинг янада раванқ топиши учун

муносиб ҳисса қўшишга интилаётган ўн минглаб янги авлод мутахассислари тайёрланди. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ушбу серкирра фаолиятни ҳар томонлама ривожлантириш ва рағбатлантиришда дастуриламал бўлиб хизмат қилапти.

(Давоми 4-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ ҲАМКОРЛИГИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида 12 август кунини Ўзбекистон — Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитасининг Энергетика соҳасида ҳамкорлик бўйича кичик қўмитаси навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, банк-молия, иқтисодиёт, нефть-газ, энергетика, геология каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирини Г. Саидова Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик савдо, иқтисодиёт, сармоя, энергетика каби кўплаб соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қила-

ётганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президентини Исроҳ Каримовнинг 2014 йилнинг май ойида Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашининг IV саммитидаги иштироки ҳамда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан учрашуви ўзаро муносабатларни янги мазмун билан бойитиб, мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик ҳамкорлигини янада мустаҳкамлади.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги алоқалар Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги шартнома, Стратегик шериклик ўрна-тиш тўғрисидаги қўшма

декларация ҳамда Икки томонлама стратегик ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларация руҳида барча соҳаларда ривожланмоқда. Хитой мамлакатимизнинг савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлари орасида етакчи ўринни эгаллайди. 2011 йилда таъсис этилган Ўзбекистон — Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитаси савдо-иқтисодий ва сармоявий, энергетика, нефть-газ, транспорт ва илмий-техникавий алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасида иқтисодий соҳада энг кўп қўлайлик яра-

тиш тартиби амал қилмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми муттасил ўсиб бораётир. Жорий йилнинг январь — май ойларида бу кўрсаткич қарийб 2,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда Хитой капитали иштирокида тузилган 482 қўшма корхона фаолият юритилмоқда. Юртимизда Хитойнинг етмишдан зиёд компанияси ваколатхонаси ишлаб турибди.

Мамлакатимиздаги қўлай бизнес муҳити, хорижий сармоядорларнинг манфаатларини таъминлашга қаратилган афзал-ликлар ва кафолатлар тизими хитойлик ишбилармонларнинг юртимиз иқтисодиётига қизиқиши ва ишончини оширмоқда.

(Давоми 2-бетда).



Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди!

Мамлакатимизда навбатдаги саломатлик ҳафталиги бошланди. Бу галги ижтимоий акция Мустақиллигимизнинг 23 йиллигига бағишлаб ҳамда Президентимизнинг шу йил 19 февралдаги “Соғлом бола йили” Давлат дастури тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилмоқда.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

2014 йилнинг
биринчи ярмида
мамлакатимизда хизмат
кўрсатиш ҳажми

14,2
фоиз ошди.

Хизмат кўрсатиш соҳаларини жадал ривожлантириш ва қишлоқ аҳолисининг замонавий хизмат турларидан фойдаланишини кенгайтиришга доир кўрилган изчил чора-тадбирлар туфайли ана шундай юқори ўсишга эришилди.

Инвестициявий муҳитни янада яхшилаш — давр талаби

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси томонидан Ўзбекистонда инвестициявий муҳитни янада яхшилашнинг ҳуқуқий асосларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Унда депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, мутахассислар иштирок этди.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тадбирда тегишли давлат органлари томонидан сармоядорларга қўшимча енгилликлар бериш, солиқ ва бошқа назорат қилувчи органлар билан ўзаро муносабатларни соддалаштириш, улар учун ташки савдо амалиётларини расмийлаштириш бўйича ортқча тартиб-таомилларни бартараф этишга доир вазифалар қандай бажарилаётгани муҳокама қилинди.

Давра суҳбатда инвестициялар иқтисодиётини таркибий ўзгарилишни янада чуқурлаштириш, корхоналар инвестициявий фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технология янгилашга хизмат қилиши айтиб ўтилди. Айни чоғда илғор технологияларни жорий этиш, янги иш ўринларини ташкил қилиш ва мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлашга ҳам шарт-шароит яратиши кўрсатиб ўтилди.

Таъкидланганидек, юртимизда инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган, уларга имтиёз ва преференцияларни белгилаб берадиган мустаҳкам ташкилий-ҳуқуқий пойдевор яратилган. “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг қафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги, “Рақобат тўғрисида”ги қонунлар, Президентимизнинг “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳамда бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар шулар жумласидандир.

2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини амалга ошириш доирасида иқтисодиётнинг тармок ва соҳаларини модернизация қилишга қаратилган қатор лойиҳалар рўёбга чиқарилаётир. Натижада жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ўзлаштирилган инвестиция ҳажми 10,8, жумладан, тўғридан-тўғри хорижий сармоялар миқдори 28,8 фоиз ўсди.

Депутатлар мамлакатимизда яратилган қўлай инвестициявий муҳитдан фойдаланган ҳолда, корхоналарни техник ва технологик янгилаш, тўғридан-тўғри хорижий сармоялар жалб қилиш эвазига маҳсулотларнинг рақобатдошлигини ошириш, бозорни сифати ва ҳаридоригр маҳсулотлар билан тўлдириш зарурлигини қайд этишди.

Давра суҳбатида, шунингдек, янги таҳирдаги “Инвестиция фаолияти тўғрисида”-ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Унда жаҳага доир асосий тушунчалар янада аниқлаштириляпти, инвестиция жараёнининг барча иштирокчилари ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини таъминлаш чораларига алоҳида аҳамият берилган.

Тадбирда тегишли тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Санджон МАХСУМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ ҲАМКОРЛИГИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хитой ишбилармонлари мамлакатимизда ташкил этилган иқтисодий-индустриал зоналарда фаол иш юритмоқда. Хусусан, “Жиззах” махус индустриал зонасида Хитой компанияларининг 50 миллион доллардан зиёд миқдордаги тўғридан-тўғри инвестициялари иштирокида ўн бешдан ортқк қўшма лойиҳа амалга оширилмоқда.

Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик ёқилғи-энергетика соҳасида ҳам изчил тараққий этмоқда. Марказий Осиё — Хитой газ қувурининг тўртта тармоғи ҳам Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ўтгани нефть-газ соҳасида юксак даражадаги ўзаро ишонч ва яқин ҳамкорликдан далолат беради.

Мамлакатларимиз Ўзбекистон — Хитой газ қувурининг тўрттинчи линиясини куриш ва ишга туширишнинг стратегик аҳамиятга молик муҳим лойиҳа, деб ҳисоблайди. Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг 2013 йил сентябрь ойида мамлакатимизга давлат таширифи доирасида йилгига 30 миллиард куб метр газ етказиб бериш қувватига эга мазкур линия қурилишига оид ҳужжат имзоланди. Бу Марказий Осиёдан XXРга табиий газ экспорти ва транзитини янада кенгайтириш имконини беради.

Хитой компаниялари юртимиздаги углеводород конларини қидириш ва қазиш ишларида фаол иштирок этаётир. Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси (CNPC) истиқболли углеводород конларини қидириш ва ишга тушириш, шунингдек, Муборак газ-кимё мажмуасида табиий газни чуқур қайта ишлаш лойиҳасини амалга оширишда қатнашмоқда.

Мамлакатимиз Хитой Давлат тараққийт банки ва Эксимбанки билан ҳам фаол ҳамкорлик қилмоқда. Хитой Давлат тараққийт

Ноҳира МАНЗУРОВА, ЎЗАМХИРИ.



◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Нусха олинмаган ўзига хос модель

Дунёда XX асрнинг бошларида мамлакатлар иқтисодий ривожланишининг Америка ва Европа моделлари, Иккинчи жаҳон урушидан кейин эса ўзига хос Германия ва Япония моделлари шаклланди. Кейинчалик ўзини тўлиқ оқлаган Жанубий Корея, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида тараққийт моделлари юзага келди. Шунингдек, мустақилликка эришган Осиё ва Африка мамлакатларида кўпроқ бошқа моделлардан андоза олинган йўллар танланди. Лекин ушбу давлатлар таърибаси бирон бир давлатнинг ривожланishi йўлини тўғридан-тўғри қабул қилиб бўлмаслигини амалда исботлади.

Охириг чорак асрда собиқ иттифоқ республикалари ва Шарқий Европа мамлакатлари туб ислохотлар йўлидан борди. Уларнинг ичида Ўзбекистон танлаган йўл ўзининг ҳаётийлиги ва амалий натижалари билан жаҳон ҳамжамиятиниң эътиборини тортиди. Айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейин бизнинг ўзига хос тараққийт йўлимизга унча хайрихоҳ бўлмаган мамлакатлар, халқаро ташкилотлар ҳам уни тан ола бошладди.

Жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак эътирфот этилган фундаментал, назарий жиҳатдан чуқур асосланган ва пухта ишлаб чиқилган машҳур бешта тамойилга асосланган, “Ўзбек модели” деб ном олган ислохотлар ва иқтисодий тараққийт модели ҳаётда тўлиқ ўзини оқлади.

Айрим халқаро молиявий ташкилотларнинг ривожланган давлатларда қўлланилган бозор механизмларидаан кўр-кўрона нусха кўчириб, ёш Ўзбекистоннинг “синов майдончаси”га айлан-тиришга бўлган ўринишлари, “шок

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

“Туркистон” саройида ўтказилган кўрик-танловнинг Тошкент шаҳар босқинчида таъкидланганидек, қўзланган мақсад истиклол йилларида маҳаллаларга кўрсатилаётган юксак эътибор, миллий аъна-наларимиз ва урф-одатларимизни асраб-авайлашга оид ислохотлар аҳамиятини тарғиб этиш, фуқаро-лар йиғинларини комплекс ривож-лантириш йўналишидаги ишларни чуқур ўрганиш, соҳага оид илғор таърибларни оммалаштиришдан иборатдир.

Энг намунали маҳаллалар аниқланмоқда

Танловда қатнашган 11 маҳал-ла фуқаролар йиғини фаолияти ана шу тартибда баҳоланди. Айни чоғда улар яратиб берилган кенг имкониятлардан нечоғли тўғри фойдаланаётгани, соҳага оид мил-лий қонunchилик ихроси, ижти-моий-маънавий муҳит барқарорли-ги ҳамда тинчлик ва осийшталик, ахиллик ва меҳр-оқибат муҳитини таъминлаш, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига оид ишлар ат-рофлича сархисох қилинди. Нати-жада Шайхонтохур туманидаги “Шофайз” маҳалла фуқаролар йиғини биринчи ўринга лойиқ топилиб, республика босқинчида қатнашиш имкоғига эга бўлди.

Ҳозир Сирдарё вилоятида 343 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият қўрсатмоқда. Танловнинг туман ва шаҳар босқинчларида уларнинг барчаси фаол иштирок этди. Ушбу босқинчларда ғолибликни қўлга ки-рирган маҳаллаларнинг ўзаро бел-лашуви ҳам юқори даражада ўтказилди.

Иштирокчилар учта шарт бўйича пухта назарий ва амалий тайёр-гарликка эга эканликларини намо-ён этишди. Ҳакамлар хулосасига кўра, барча шартлар бўйича юқори балл ўтлаган Бойвўт туманидаги “Бобоюрт” маҳалла фуқаролар йиғини ғолибликни қўлга киритди.

— Бу танлов фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият-тидаги қўллаб иқибий ўзгариш-ларнинг ўзига хос кўрғми ҳамдир, — дейди ғолиб бўлган маҳалла фу-

терапияси” усулларидан фойдала-ниш бўйича берган тавсияларига танқидий ёндашдик ва уларни рад этдик.

Мустақил тараққийт йўлининг ҳал қилувчи тамойилларини иш-лаб чиқишда принципал аҳами-ятга эга уч масалага асосий эъти-бор қаратилганлиги унинг ҳаётий-лигини таъминлади.

Биринчидан, миллий давлатчи-лик тарихимиз, халқимизнинг мен-талитети, Ўзбекистоннинг геостра-тегик ўрни, мамлакатимиздаги де-мографик вазият, реал табиий ва иқтисодий салоҳият инобатга олинди.

Иккинчидан, эски тузум даври-да юритилган мустабид сиёсат на-тижасида шакланган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият чу-қур ўрганилди, мавжуд муаммо ҳамда номутаносибликларнинг келиб чиқиш сабаблари атрофли-ча таҳлил қилинди ва мантиқий хулосалар чиқарилди.

Учинчидан, иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатларнинг та-раққийт моделлари ҳар томонла-ма ўрганилди ва уларнинг мақбул бўлган айрим жиҳатларидан ўзимизнинг шарт-шароитимизга мослаштирилган ҳолда фойда-ланилди.

2009 йилдан эътиборан, яъни молиявий-иқтисодий инқироз юқори нуктага кўтарилган пайтдан бошлаб ҳар йили Ўзбекистон таърибасини ўрганишга бағиш-ланган нуфузли халқаро илмий-амалий анжуманлар ўтказилиши аънава тусига кирди. Уларда иш-тирок этган йирик иқтисодчи олимлар, сиёсатчилар, эксперт ва таҳлилчилар Ўзбекистоннинг та-раққийт йўлини тўла қўллаб-қувватлаб, ёш таърибани бошқа давлатлар амалиётида қўллаш бўйича тавсиялар бердилар.

қаролар йиғинининг масъул котиби С. Холиқулов. — Айниқса, маҳалла фаолларининг ўтган йиллардагига қараганда ўз вазифалари бўйича салоҳиятлари янада ошганлиги барчада илик таассурот қолдирди. Бунда, шубҳасиз, тизимга қаратил-ган катта эътибор, хусусан, шу йилнинг бошида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари хо-димлари малакасини ошириш ўқув курслари ташкил қилингани муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур курсларда олган назарий ва амалий билимларимиз танловларда ҳам, фаолиятимизни бугунги кун

Ютуқларимизнинг бош омили

Юртимизда тинчликни сақлаш масаласига ички ва ташқи сиё-сатимизнинг устувор вазифаси сифатида қаралганлиги миллий ривожланиш стратегиямизни му-ваффақиятли амалга оширишнинг бош омили бўлди. Чунки қўллаб мамлакатларда бир тузумдан ик-кинчи тузумга ўтиш аксарият ҳол-ларда фуқаролар урушлари, қон тўқишлар, сиёсий тўқнашувлар, иқтисодий бўҳрон, умуман олган-да, ижтимоий ва иқтисодий ҳаёт издан чиққан ҳолда амалга оши-рилгани тарихдан яхши маълум.

Ҳозир дунёда содир бўлаётган воқеалар ҳам буни яқол исбот-лаб турибди. Агар юртва тинчлик-барқарорлик бўлмаса, энг пухта ишланган стратегияларни ҳам амалга ошириб бўлмаслиги, иқти-содий ўсиш ва аҳоли турмуш фа-ровонлигини таъминлаш имконсиз эканлиги барчага яхши аён. Дав-латимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Ўзбекистонимиз мустақил тарақ-қийт йўлида қандай ютуқ ва мар-раларга эришган бўлса, буларнинг барчасининг неғизи — юртимизда тинч ва осуда ҳаёт, миллатлар ва фуқаролараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни ас-раб-авайлаб келаётганимизда”.

Энг оғир, бутун бир минтақа-нинг тақдири ҳал бўлаётган қал-тис дамлларда Президентимизнинг ўта вазминлик билан, нафақат ўзбек халқининг, балки биз учун қардош бўлган қўшни халқлар манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, узокни ўйлаб, оқилона қарорлар қабул қилганлиги нафа-қат мамлакатимизда, балки Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолишнинг асосий қафолати бўлди.

Ўзгаришларда эзгу мақсад инъикоси

Мустақиллик йилларида катта ишонч ва улуг ниятлар билан ҳаракат қилиб, янги жамият бар-по этиш борасида жаҳон ҳамжа-мияти тан олган амалий натижа-ларга эришдик. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида тубдан янги сиёсий-иқтисодий тизим шаклланди. Амалга оширилган ис-лохотлар натижасида бозор муно-сабатларига асосланган миллий иқтисодиёт барпо этилди.

Жамият ҳаётининг барча соҳа-ларидаги ишларимиз “Ислохот ис-лохот учун эмас, авваламбор, ин-сон учундир” тамойили асосида амалга оширилди. Иқтисодиёт со-ҳасидаги туб ислохотлар ва тар-кибий ўзгаришлар, энг аввало, аҳоли турмуш даражаси ва фаро-вонлигини ошириш, унинг эркин меҳнат ва мулкка эғалик қилиши,

мураккаб демографик вазиятдан келиб чиққан ҳолда янги иш ўрин-лари яратишга қаратилди.

Янги ижтимоий-иқтисодий муно-сабатларни шакллантириш мақса-да давлат мулкни хусусийлаш-тириш, мамлакатимизда мулкдор-лар синфини, биринчи навбатда, жамиятнинг асоси ҳисобланган ўрта қатламни шакллантириш, бо-зор инфратузилмасини ҳамда яғо-на транспорт-коммуникация тизи-мини барпо этиш устувор йўналиш-лар сифатида белгиланди.

Саноат ва қишлоқ ҳўжалиги со-ҳаси мисолида айтадиган бўлсак, ислохотлар ҳамда таркибий ўзгар-тишлар тармоқларни маҳаллий та-биий ва иқтисодий ресурслардан миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда, самарали ва оқило-



на фойдаланиш, аҳолининг истеъмол молларига бўлган талабини ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳ-сулотлар ҳисобидан таъминлаш йўлидан борилди. Негаки, муста-қилликнинг ilk йилларида ушбу тармоқлар тўлиқ хом ашё етишти-

ришга ихтисослаштирилган бўлиб, халқ истеъмоли молларининг сал-кам учдан икки қисми четдан кел-тирилар эди. Экспорт таркибида пахта толасининг улуши 60 фоз-дан орткини ташкил қиларди. Чет-дан сотиб олаётган маҳсулотла-римизнинг 73 фоизи эса озиқ-ов-қат маҳсулотларидан иборат эди.

Давлатимиз раҳбари мустақил-ликнинг дастлабки йиллариданоқ аҳолининг кенг истеъмол моллари-га бўлган талабини ўзимизда иш-лаб чиқарилган маҳсулотлар билан қондириш даражасини кескин оши-ришни иқтисодий сиёсатимизнинг асосий йўналишларидан бири сифатида белгилаб берди. Чунки ҳар қандай давлатнинг иқтисодий кудрати, биринчи навбатда, озиқ-овқат ва бошқа муҳим стратегик маҳсулотлар билан ўзини ўзи қай даражада таъминлаётгани билан баҳоланади. Мамлакатда озиқ-ов-қат хавфсизлиги таъминланганида-гина мустаҳкам иқтисодий ва ижти-

моий барқарорлик вужудга келади. Шу боис Юртбошимиз ислохот-ларнинг дастлабки босқинчида озиқ-овқат муаммосини ўз имко-нотларимиз ҳисобидан ҳал қилиш, айниқса, галла мустақил-лигини таъминлаш масаласини кун тартибга қатъий вазифа қилиб қўйган эди.

Пухта ўйлаб юритилган иқтисо-дий сиёсат натижасида экин май-донлари таркиби, қишлоқ ҳўжали-ги экинларини жойлаштириш ички талаб ва шарт-шароитлар инобат-га олиниб, қайта кўриб чиқилди. Пахта яккахоқимлигига барҳам бе-ришди. Натижада юртимизда озиқ-овқат хавфсизлиги, галла муста-қиллиги таъминланди. Утган йил-ларда галла етиштириш ҳажми 8,5 баробар, ҳосилдорлик эса 3,2

Аҳоли саломатлигини таъминлаш — устувор мақсад

Пойтахтимизда “Экосан” экология ва саломатлик халқаро хайрия жамоат фондининг навбатдаги муассислар конференцияси бўлиб ўтди. Фонднинг 2009 — 2013 йиллардаги фаолиятига бағишланган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, тегишли қўмиталар, банк ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

АНЖУМАН

Таъкидланганидек, “Экосан” фонди ўтган вақт мобайнида ўз фаолиятини тўртта йўналиш бўйича амалга оширди. Хусусан, аҳоли ва ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, атроф табиий муҳит билан уйғун муносабатда бўлишни тарғиб қилиш борасида халқаро эколо-гия ва саломатлик саналарига бағишланган турли тадбирлар ўтказди. Ушбу тадбирлар доира-сида “Экосан”нинг “Аънаваларни тикла — даракт эки!” шiori ташкил қилинди.

Экологик нуқулай минтақалар-да ижтимоий-гигиеник ва эколо-гик шароитларни яхшилаш, аҳоли-ни ичимлик суви билан таъмин-лаш бўйича амалга оширилган иш-лар натижасида Қорақалпоғистон

Республикаси, Хоразм, Навоий, Сирдарё, Сурхондарё, Наманган, Қашқадарё ҳамда Тошкент вило-ятларида умумий қиймати 503,1 миллион сўмлик лойиҳалар рўёб-га чиқарилди. Ҳамкор ташкилот-лар билан биргаликда ўтказилган “Тошкент экологияси: менинг уйим — менинг шахрим”, “Энг мурув-ватли қўшни”, “Йилнинг энг яхши иқтидорли, издохор ёш иктирочи-си” сингари кўрик-танловлар эса фонд фаолиятининг учинчи йўна-лишида ўз аксини топди.

Ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли қатламига хайрия ёрдам-лари кўрсатиш борасида қўрил-ган чора-тадбирлар туфайли Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятига инсонпарвар-

лик ёрдамлари ортилган, тиббий анжомлар билан жиҳозланган “Саломатлик” поездлари юборил-ди. Бу эса, ўз навбатида, узок туманлардаги 24 та шифохона ва тиббий муассасага 159,4 миллион сўмлик зарур воситаларни еткази-б бериш учун мустаҳкам замин яратди.

Фонд томонидан халқаро ало-қаларни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айнан шу мақсадда олиб борил-ган ишлар натижасида республи-камизнинг турли ҳудудларида сув таъминоти бўйича 316,6 миллион сўмлик 8 та лойиҳа рўёбга чиқарилгани, 185,9 миллион сўмлик маблаг эвазига эса 7 та ҚВПнинг тоза ичимлик суви билан таъми-ноти яхшиланиб, канализация ишлари якунлангани фикримиз тасдиғидир.

Конференцияда “Экосан” фон-дининг атроф-муҳит муҳофазаси ва аҳоли саломатлигига қаратил-ган устувор вазифаларни қамраб олган 2014 — 2019 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури муҳокама қилиниб, у тақлифлар асосида тасдиқланди. Келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар, “Экологик назорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Респуб-ликаси Қўни қабул қилиниши муносабати билан, шунингдек, бошқа ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икрамов сўзга чиқди.

Диллoл УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

➤➤➤ Тошкент: Олий судда Фуқаролик процессуал кодексини такомиллаштириш: процессуал мuddатлар ва уларни қўллашдаги муаммоларга бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Хозирги кунда импорт таркибида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши 10 фоизни ҳам ташкил қилмайди. Аксинча, йилдан-йилга экспорт таркибида уларнинг улуши ортиб бормоқда. Ҳеч шубҳасиз, бунда қишлоқ ҳўжалигида туб ислохотлар амалга оширилган, деҳқон ернинг ҳақиқий эгасига, фермерлар жамиятимизнинг таянч устунни, ҳал қилувчи кучига айлانгани, меҳнат муносабатлари бутунлай ўзгаргани мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Қайта қанот ёзган фазилат

Мустақиллик одамларга ўз бил-им ва малакаларидан, тадбиркорлик қобилиятидан келиб чиқиб, эркин меҳнат қилиш, унинг маҳсулидан ўзи ва жамият аъзоларини баҳраманд этиш, мулкка эга-лик қилиш имконини берди. Агар

тизимли ишлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожлантириш ҳамда унинг иқтисодиётдаги мавқеини ошириш учун катта имкониятлар яратилди.

Бугун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларига чуқур кириб борди. У иқтисодий тараққиётимизнинг асосий ҳаракатлан-тирувчи кучига айланди. Мамла-катимиз ялпи ички маҳсулотининг 83 фоизи нодавлат сектор улуши-га, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотла-рининг деярли ҳаммаси деҳқон ва фермер ҳўжаликлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Иқтисодиётда кич-ик бизнес ва хусусий тадбиркор-ликнинг улуши салкам 56 фоизни ташкил қилиб, аҳоли даромадла-рининг 50 фоиздан ортми хусус-ий тадбиркорлик фаолиятидан тушаётгани оқилона ислохотлар-нинг бекибс самарасидир.

улуғвор йўли


истиклол йилларида босиб ўтган йўлимизга назар ташлайдиган бўлсак, ушбу соҳани иқтисодий ривожланишнинг асосий ҳаракат-лантирувчи кучига айлантириш осон кечмаганини кўрамиз. Эски тизимда асрлар мобайнида ўз тасдиғини топган иқтисодий қонуналар инкор этилган, тадбир-корлик ва кичик бизнеснинг иқти-содиётни ривожлантиришдаги бекибс аҳамияти йўққа чиқарил-ган эди.

Миллий тараққиёт йўлимизни танлашда тадбиркорлик халқимиз-нинг қон-қонига сингиб кетган ноёб ва эзгу фазилат эканлиги, одамларнинг бўғиб ташланган яратувчанлиги ғайрат-шижоати яна қайта қанот ёзишига эришиш, уларнинг дардига айланган муам-

Ривожланишнинг худудий мувозанати

Ҳар қандай мамлакатнинг иқти-содий салоҳияти унинг таркибий қисми ҳисобланган турли даража-даги маъмурий-худудий бирликлар-нинг ижтимоий-иқтисодий қув-ватлари билан ўлчанади. Иқтисо-дий ислохотларнинг самараси ҳам, энг аввало, худудларда, ша-ҳар ва қишлоқларда намоен бўла-ди. Шу боис Ўзбекистонда мам-лакат худудларини барқарор ва мутаносиб ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Республикада ривожланиш-нинг “ўзбек модели” тамойилла-рига асосланган ҳолда, ўзимиз-нинг миллий худудий ривожланиш модельи шаклланди. Унинг асосий



молар ечимини топиш учун энг ҳаётий эҳтиёждан келиб чиқиб иш тўғрили.

Мамлакатимизда амалга оши-рилган хусусийлаштириш жараё-ни ҳамда қулай тадбиркорлик муҳити яратиш бўйича қилинган

мақсади мамлакатимиз минтақа-ларини комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожланти-риш орқали миллий иқтисодиёт-нинг худудий мувозанатини таъ-минлашга қаратилди. Натижада энг мураккаб ўтиш даврида мин-



Суратлар «Халқ сўзи» фотожамламасидан олинди.

кескин ошириш учун етарли иқтисодий асос яратиш йўлидан борилди.

Шу ўринда юртимизда худуд-ларни комплекс ривожлантириш бўйича 2013 — 2015 йилларга мўлжалланган қатор худудий дас-турлар ишлаб чиқилганини алоҳи-да қайд этиш зарур. Сабаби, улар-нинг изчил ижроси худудларнинг табиий ва иқтисодий салоҳияти-дан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш ҳисобига мавжуд фарқларни янада камайтириш имконини беради.

Охириги йилларда худудларда юқори технологияларга асослан-ган ишлаб чиқаришни ташкил этиш орқали уларнинг саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича иқтисодий зоналар ташкил этиш тажрибаси кенг қўлланила-япти. Бугунги кунда “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий, “Ангрен” ва “Жиззах” махсус ин-дустриал зоналари фаолият кўрсатмоқда.

